Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 26 июнь 1974 йил, чоршанба • № 148 (15.928). • Баҳоси 2 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми СССР Конституциясининг 55-моддасига асосан қарор қилади:

Тўққизинчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг биринчи сессияси 1974 йил 25 июлда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1974 йил, 24 июнь.

РЕСПУБЛИКА ИНДУСТРИЯСИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб: тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йили, 1974 йил биринчи ярми учун маҳсулот реализация қилиш планини барвақт, 25 июнда бажардилар. Кўмир ва газ қазиб чиқариш, тракторлар, трактор прицеплари, культиваторлар, пахта толаси, ички трикотаж, озиқ-овқат саноати маҳсулотининг бир қанча турлари ва бошқа кўп маҳсулотлар ишлаб чиқариш топшириқлари ошириб бажарилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил ишлаганлиги, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги самарали фаолияти учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратининг масъул ходими Ануфрий Иосифович **Жуковга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

ЎРТОҚ Ю. В. АНДРОПОВГА МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 24 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси ўртоқ Ю. В. Андроповга Ленин орденини ҳамда «Урок ва Болга» олтин медалини топширди. Ўртоқ Ю. В. Андропов Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан бу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Мукофотни топшириш вақтида Л. И. Брежнев, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Мукофотни топшириш вақтида ўртоқ Н. В. Подгорний нутқ сўзлади.

Суратда: партия ва ҳукумат раҳбарлари ўртоқ Ю. В. Андроповга мукофотларни топшириш пайтида.
В. Мусаэльян фотоси. (ТАСС).

Н. В. ПОДГОРНИЙ НУТҚИ

Азиз Юрий Владимирович!

Азиз ўртоқлар!

Бугун биз ўртоғимиз ва дўстимиз Юрий Владимирович Андроповни 60 ёшга тўлганлиги билан, унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганлиги билан муборакбод этиш учун бу ерга тўпландик.

Партиямиз Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табрикномасида сенинг хизматларинг юксак баҳоланган.

Азиз Юрий Владимирович, Ватаннинг олий мукофотига бутун меҳнат фаолиятинг билан муносиб бўлдинг ва бу мукофот коммунизм қуришдан иборат муштарак буюк ишимизга сен қўшиб келаётган катта ҳиссанинг муносиб эътирофидир.

Сен ўз меҳнат фаолиятингни ўспиринлик чоғингдан бошладинг. Комсомол, ленинчи партиямиз тарбиясини кўрган сен ишчидан Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбобигача бўлган шонли йўлни босиб ўтдинг. Комсомол ва партия сени қаерга юборма силарингиз — раҳбар комсомол ишида, партия аппаратида, дипломатия соҳасида — ҳамма жойда сен юксак ишончни оқлаб келдинг.

Етти йилдан кўпроқ вақтдан бери сен СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетига бошчилик қилиб келаётирсан, сенинг комитетга раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишинг партия талабларига мос келяпти, деб айтсам ҳаммамизнинг, Сиёсий бюро аъзоларининг яқдил фикрини ифодалаган бўламан, деб ишонаман. Бу соҳадаги иш социалистик жамиятимизни муҳофаза қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Сен давлат фаолиятининг бу муҳим соҳасини совет чекистларининг улуғ Ленин васият қилган энг яхши анъаналари руҳида мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга кўп куч-ғайрат сарфламоқдасан.

Бизнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги коллектив раҳбарлигимиз составида туриб сен партиямиз билан Совет давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишда бевосита, актив қатнашмоқдасан.

Азиз Юрий Владимирович, сенга Ленин ордени билан «Урок ва Болга» олтин медалини топшириш пайтида шу ерда ҳозир бўлган барча ўртоқлар номидан, шахсан ўз номимдан сени самимий табриклашни, оғаларча қучоқлашни, сенга бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик, ғғир, аммо фойдали ишингда катта муваффақиятлар тилашни истайман. Сенга партиямиз, бутун совет халқи ҳормайтолмай ва самарали ишлаб, ҳал этаётган буюк ва олижаноб вазифаларни бажариш учун янги ижодий куч-қувват тилайман.

Ўртоқ Ю. В. Андропов жавоб нутқи сўзлади.

Ю. В. АНДРОПОВ НУТҚИ

Азиз ўртоқлар!

Юксак мукофот учун сизларга ва сизлар орқали КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига, партиямиз Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этмоқчиман. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг табрикномасида изҳор этилган самимий сўзлар учун ва менинг фаолиятимга юксак баҳо берилганлиги учун Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига алоҳида ташаккур изҳор этмоқчиман. Партия сафига кирганимга 35 йил бўлди. Бу — ҳаётимнинг ярмидан кўпроғига тўғри келади, аниқроқ қилиб айтганда менинг бутун онгли ҳаётим партия сафида ўтди. Шу йиллар мобайнида мен партия — буюк мураббий, буюк раҳбар, энг илғор, энг ғўзал идеалларнинг соҳиби эканлигини, шу идеаллар йўлида яшаса ва курашса арзишини яхши тушундим.

Кейинги йилларда улуғ ленинчи большевистик партиямизнинг раҳбар штабида, Леонид Ильич Брежнев раҳбарлик қилаётган штабда ишлаш шарафига муяссар бўлдим. Яна шуни ҳам айтмоқчиманки, ленинчи партиямизнинг штаби бўлган Сиёсий бюро партиямизнинг бутун тарихий тажрибасини, унинг бутун буюк бунёдкорлик фаолиятини мужассамлаштириб турибди, бинобарин шу штабнинг аъзоси бўлиш фахрлигина эмас, албатта. Мен ўзимнинг зиммамдаги жуда катта масъулиятни тушуниб турибман, ўртоқлар.

Шу штабда унинг сафига яқинда келган ўртоқлар билан бирга партиямиз ва давлатимизга раҳбарлик қилиш соҳасида жуда катта тажриба орттирган ўртоқлар ҳам ишламоқдалар. Бу тажриба Леонид Ильич Брежнев оқилона ва моҳирона бошчилик қилиб келаётган бутун раҳбарлигимизнинг мулкидир.

Халқимизнинг, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги муваффақиятлари — аввало Сиёсий бюронинг, партиямиз Марказий Комитетининг тўғри раҳбарлиги натижасидир. Зотан бундан атиги бир неча кун муқаддам коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун яқдил бўлиб овоз берган Ватанимиз меҳнаткашлари партиямизни севишларини, у билан фахрланишлари ва унга ишонишларини, бундан буён ҳам партиямиз раҳбарлигида меҳнат қилиш ва курашишга тайёр эканликларини жуда яхши кўрсатдилар.

Менга берилган юксак мукофот учун яна бир марта миннатдорчилик билдираман. Бутун кучимни шу мукофотга ва сизларнинг ишончингизга муносиб бўлиш учун сарфлашга ваъда бераман, ўртоқлар.

* * *

Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарлари ўртоқ Ю. В. Андроповни Ватаннинг юксак мукофоти билан самимий ва қизғин табрикладилар, Коммунистик партия, Совет Иттифоқи, совет халқи бахт-саодати йўлидаги самарали фаолиятида унга янги катта муваффақиятлар тиладилар. (ТАСС).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Узбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги корхоналарининг коллективлари республика ва Узбекистон Компартиясининг ярим асрлик юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, тайёр маҳсулотларни реализация қилиш ярим йиллик планини муддатидан ўн бир кун аввал бажардилар. Июнь ойи охиригача топшириқдагидан ташқари саксон миллион сўмлик маҳсулот реализация этилади.

⊙

Узбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналарининг меҳнаткашлари беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш учун нурашиб, маҳсулот реализация этиш биринчи ярим йиллик планини 25 июнда бажардилар.

СССР Олий Советига сайлов кунига қадар Ангрен керамика комбинати ва бинокорлик материаллари комбинати, Оҳангарон «Сантехлит» заводи, «Бекободцементмонт» заводи, Тошкент бинокорлик материаллари комбинати ва шиша идиш заводи ярим йиллик план бажарилганлиги тўғрисида рапорт берган эдилар.

Тармоқ корхоналари 1 июлгача пландан ташқари 2,8 миллион сўмлик турли маҳсулот реализация қиладилар.

⊙

Наманган области саноат корхоналарининг коллективлари республика ва Узбекистон Компартияси юбилей йилини меҳнатда муваффақиятлар билан нишонлаб, товар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация этиш ярим йиллик планини 21 июнда бажардилар. Олти ойлик топшириққа қўшимча 14 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация этилади. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

24-25 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида область, шаҳар ва район партия комитетлари умумий бўлимларининг мудирлари, шунингдек, область партия комитетларининг молия-хўжалик бўлимлари мудирларининг республика семинар-кенгаши бўлди. Семинарда шу бўлимларнинг ишини яхшилаш масалалари, партия комитетлари умумий бўлимлари ходимларининг КПСС Марказий Комитетида бўлган кенгаши якунлари қараб чиқилди. Семинар қатнашчилари иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Семинарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов нутқ сўзлади.
(ЎзТАГ).

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йил

1 МИЛЛИОН ТОННА МАККАЖЎХОРИ ДОНИ УЧУН

Колхозимизда учта маккажўхорикорлик бригадаси тузилди. Шундан иккитасида дон ва биттасида силос учун кўкпоя етиштирилади. Назар Жуманиёзов бошлиқ бригада аъзолари гектаридан 80 центнердан, Отамурод Юсупов бошлиқ бригада аъзолари эса 70 центнердан уруғлиқ дон олиш учун курашмоқдалар. Бобожон Бойжонов бригадаси аъзолари эса ҳар гектар майдондан 700 центнердан силосбоп кўкпоя олишни асосий мақсад қилиб қўйганлар.

Хуллас, белгиловчи йилда ҳар қачонгидан кўп гибрид маккажўхори уруғлиқ дони ва силосбоп кўкпоя етиштирамиз. Бу билан ўз хўжалигимизни сараланган уруғлиқ дон ва чорва молларини юқори сифатли силос билан таъминлаймиз, айни кезда областимизнинг қўпчилик хўжаликларига уруғлиқ дон етказиб берамиз.

Шу кунларда далаларимизда бўлган киши барқ уриб ўсаётган маккажўхорини кўриб, дили қувончга тўлади. Катта пайкаллардаги ўсимликлар сўта боғлаш арафасида турибди. Бу йилги дастлабки ютуғимиз шу бўлдики, 239 гектар майдонда ниҳолларни бир текис кўкартириб олдик.

Шу кунларда маккажўхори парваришини кучайтириш асосий вазифа қилиб қўйилди. Тўғри, ҳамма майдонларда икки марта культивация ўтказилди, ўсимлик бир марта қондириб суғорилди. Аммо бу талабни қондирмайди. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдики, маккажўхори авжи ўсиш ва сўта боғлаш палласига кирганда сув ва озуқани ҳар қачонгидан кўп талаб қилади. Ҳароратнинг кун сайин кўтарилиб бориши ҳам парваришни кучайтириш зарурлигини тақозо этмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, бир қатор тадбирлар белгилаб, амалга оширмоқдамиз.

Жумладан, бутун куч ва техника воситаларини ишга солиб, ҳамма майдонларни бегона ўтлардан бутунлай тозаладик. Шундан кейин ўсимликка озуқа ва сув бердик. Натижада ўсимликнинг ўсиб, ривожланиши тезлашди. Бундан кейин ҳам бегона ўтларнинг ўсиб чиқишига қарши чоралар кўраверамиз. Ўватлар, йўллар, дарахтларнинг остидаги бегона ўтларни ҳам тўла тугатдик.

Ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишида культивация ҳал қилувчи роль ўйнайди. Биз суғоришдан кейин ер етилиши билан дарҳол чуқур культивация ўтказиб, ерда намни тўла сақлаб қолмоқдамиз. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу йил кўчатлар сони бут бўлди, ҳатто айрим пайкалларда нормадан ортиқ кўчат сонига эгамиз. Бундай шароитда ўғит ва сувни одатдагидан кўпроқ беришга тўғри келади. Бироқ, хўжалигимизда сув танқислиги сезилмоқда. Шу боисдан парваришни кучайтириш йўли билан ўсимликнинг яйраб ўсишига қулай шароит яратмоқдамиз.

Хозир маккажўхори анча ўсиб кетди, қатор ораларига универсель тракторларнинг кириши қийинлашиб қолди. Лекин бундан чўчиётганимиз йўқ. Пахтакорларимиз қўллагани каби маккажўхорикорларимиз ҳам универсалларга тўсиқлар ўрнатиб, культивация ва эгат олишни тезкорлик билан ўтказмоқдалар. Ҳар бир механизатор кунлик, беш кунлик ва ўн кунлик графиклар белгиланган, унинг ижроси текшириб борилади, ишда миқдор билан сифат бирбирига боғланган ҳолда амалга оширилади.

Яқинда правление йиғилишида маккажўхори парвариши соҳасида қилинган дастлабки ишларга якун ясалди. Шу йиғилишда белгиловчи йилда олинган мажбуриятни бажариш учун яна нималар қилиш зарурлиги ҳақида фикрлашилди. Ниҳоят, шундай қарорга келинди. Июнь ойининг қолган кунлари ва июль ойида 239 гектар майдондаги маккажўхорига икки марта ишлов берамиз, ўсимликнинг авжи паст майдонларда эса уч марта комплекс парвариш ўтказамиз.

ЯШИЛ БОЙЛИК

Кўлгина уруғлиқ дон олинадиган майдонлардаги маккажўхори экинининг ҳолати назорат қилиб борилади, силосбоп экинлар майдонидаги ўсимликка эса яхши эътибор берилмайди. Биз ана шундай кўринишларга барҳам бердик, уруғлиқ участкаларидаги маккажўхори экинлари ҳам, силосга мўлжалланган участкалардаги маккажўхори экинлари ҳам юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилинмоқда. Хозиргача ҳар гектар ер ҳисобига етарли миқдорда минерал ўғитлар қоришмаси ва 10 тоннадан чиритилган гўнг солинди.

Маккажўхорикорлар орасида социалистик мусобақани кучайтирмоқдамиз. Ҳар бир чопиқчи, сувчи, механизатор бир кунда камида бир ярим-икки кунлик иш нормаси бажариш учун мусобақалашиб ишламоқда. Исмоил Эшчонов механизаторлар отрядига моҳирлик билан бошчилик қилмоқда. Иброҳим Матниёзов кунлик культивация ва эгат олиш, маккажўхорини озиқлантириш ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши дори сепиш графигини икки баравардан ошириб бажармоқда.

Айрим хўжаликларда сув танқислиги туфайли маккажўхори экинини камситиш ҳоллари юз бермоқда. Бундай қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бизда правлениенинг қарори билан энг унумдор ерлар маккажўхорикорлик бригадаларига ажратиб берилган. Улар етарли техника воситаларига эга. Шу кунларда нормада белгиланган сувни олмоқдалар.

Маккажўхорикорликда сувдан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Экинларни суғориш кеча-кундуз бир меъёрда ўтказилмоқда, тунги ишларни бажаришга тажрибали деҳқонлар қўйилди, улар тошфонарлар билан таъминланди. Миробларга сувнинг оқиши, ундан фойдаланиш коэффициентини ошириш устидан назорат олиб бормоқдалар. Сув исрофгарчилигига қарши кураш ҳаммамизнинг жонажон ишимизга айланди. Ҳар бир сувчи бир кеча-кундузда бир ярим-икки гектар ердаги маккажўхорини қондириб суғормоқда.

Етиштириладиган маккажўхори уруғлиқ дони давлат стандартига мос келиши зарур. Уруғлиқ донинг мағизи тўла бўлиши, бегона ўтларнинг уруғи аралашмаслиги, дон пуч бўлиб қолмаслиги, сиқиқ-мертиги сара донга аралашиб қолмаслиги зарур. Бунинг учун парвариш кучайтирилиши талаб этилади. Биз маккажўхорининг йиллик ўғит нормасини 15 июлгача тўла бериб бўламиз. Шундан кейин ҳам қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтлар ва зараркунандаларга қарши курашни қизғин давом эттираверамиз.

С. МАТЁҚУБОВ,
Хоразм область Хива районидаги Фрунзе номли колхоз агрономи.



Фарғона область, Фрунзе районидаги Охунбобоев номли совхоз ғаллакорлари бу йил давлатга 1200 тонна дон топшириш мажбуриятини олишган. Хўжаликда катта майдонларга экилган ғаллазорларда мўл ҳосил пишиб етилди. Урим-йиғимга уюшқоқлик билан киришилди. Шу кунларда тўртта комбайн бу ишга сафарбар қилинган. Суратларда: (юқорида) комбайнчилардан А. Жуманов ва Н. Ҳамдамов ғаллазорда. Пастда ўрим пайти.

А. Тўраев фотолари.

МЕҲНАТ ШАРАФИ

Шаҳарлар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ярим аср мобайнида босиб ўтган йўлга назар ташлаб, ўзларини ленинча миллий сиёсатнинг актив ўтказувчилари сифатида кўрсатган, республиканинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган фан ва маданият арбобларига самимий миннатдорчиликларини изҳор қилмоқдалар. Меҳнати юксак тақдирланган ходимлар орасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг кафедра мудири Георгий Антонович Кошевников бор.

Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги 25 июнда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг мажлислар залида Ўзбекистонда фаннинг равнақ топиши учун кўп иш қилган, қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш, даставвал, пахтани машинада териб олишни муваффақиятли жорий этган таниқли олимнинг 70 йиллигини тантанали нишонлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов Г. А. Кошевниковга Октябрь революцияси орденини ғалдурос қарсаклар остида топширди.
(ЎзТАГ).

«САЛЮТ-3» ОРБИТАЛ СТАНЦИЯСИ УЧИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

◆ ◆

Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1974 йил 25 июнда Совет Иттифоқида «Салют-3» орбитал илмий станцияси учирилди.

«Салют-3» станциясини учиришдан мақсад станциянинг таномиллаштирилган конструкциясини, шунингдек бортлаш системаларини, аппаратларини янада пишиқлаштириш ҳамда космосда учишда илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказишдан иборатдир.

«Салют-3» станцияси параметрлари қуйидагича бўлган ер атрофи орбитасига чиқарилди:

— ер юзасидан максимал олислашиши (апогейда) 270 километр;

— ер юзасидан минимал олислашиши (перигейда) 219 километр;

— айланиш даври 89,1 минут;

— орбитанинг оғиши 51,6 градус.

Совет Иттифоқи территориясида жойлашган ўлчов пунктлари билан СССР Фанлар академиясининг дунё океани анватория сининг турли районларида бўлган «Космонавт Юрий Гагарин», «Космонавт Владимир Комаров» кемалари билан станциянинг учишини кузатилиб, телеметрик ахборотлар қабул қилиниб ва у бошқарилиб турибди.

Телеметрик ахборот маълумотларига кўра станциянинг борт системалари нормал ишлаб турибди.

Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленуми қарорларини амалга оширамиз!

МАҲАЛЛАДА ТАРБИЯ

АҲОЛИ ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИГАН ЖОЙЛАРДА ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ ТАЖРИБАСИДАН

●

Коммунистик партия меҳнаткашлар онгида марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш, коммунистик ахлоқ нормаларини қарор топтириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқда. Меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва маданий савиясини муттасил ошириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. «Тегишли моддий-техника базасини вужудга келтирмай туриб, коммунизм қуриш мумкин бўлмаганидек, — деб такидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг КПСС XXIV съездига Ҳисобот докладида, —кишиларнинг маданияти, билими, ижтимоий онгини юксак даражага кўтармай туриб, уларни маънавий камолотга етказмай туриб, коммунизм қуриш мумкин эмас».

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг якинда бўлиб ўтган пленуми «Республика партия ташкилоти идеология ишининг аҳволи ва КПСС XXIV съезди қарорлари асосида уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Пленум меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини янада ошириш, уларнинг сиёсий активлиги ва меҳнатдаги ғайратини кучайтириш, ғоявий-тарбиявий ишларни тинмай такомиллаштириб, унинг самарадорлигини ошириш лозимлигини таъкидлади. «Суҳбатлар, сиёсий ахборотлар, — дейилади пленум қарорида, — ҳамма жойда — заводларда, фабрикаларда, қурилишларда, транспорт, алоқа ва маиший хизмат корхоналарида, колхозлар, совхозларда, муассасаларда, ўқув юртларида, меҳнаткашларнинг истиқомат жойларида мунтазам суръатда олиб борилиши лозим». Партия ташкилотлари идеология ишларини кучайтириш, унинг таъсирчанлигини ошириш халқ хўжалиги вазифаларини бажаришнинг асосий шарти деб билмоқдалар. Бинобарин, кенг меҳнаткашлар оммасида коммунистик дунёқарашни шакллантириш партия ғоявий-тарбиявий ишининг бош йўналишига айланаётир.

Шу муносабат билан шаҳар партия, совет ва жамоат ташкилотлари меҳнаткашлар билан турар-жойларда олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларни янада яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Истиқомат жойларда медицина билимларини пропаганда қилишни яхшилаш, ётоқхоналарда сиёсий-тарбиявий ишнинг аҳволи, кутубхоналарда КПСС XXIV съезди қарорларини пропаганда қилиш соҳасидаги ишлар сингари масалалар шаҳар партия комитети бюро йиғилишларида кенг муҳокама қилинаётганлиги фикримизнинг далилидир. Худди шу нарса аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Уй-жойларда оммавий-сиёсий иш олиб бориш аҳолининг ҳамма табақасига тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий омилидир. Меҳнаткашларнинг умумтаълим даражасини ошириш, маданий дам олишни уюштириш, хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, бу соҳадаги ишларимизнинг асосий йўналишларидир. Бундай тадбирлар одатда маданият уйлари, клублар, кутубхоналар, қизил бурчаклар, чойхоналар ва кинотеатрларда ўтказилади.

Лекция пропагандаси истиқомат жойларда аҳоли билан ишлашнинг муҳим формаси бўлиб қолди. Фақат сўнгги бир йилда маҳаллаларда 1500 лекция ва доклад ўқилди. Савол-жавоб кечалари, оғзаки журналлар, «Наврўз» байрамлари, хотин-қизлар кўчма клублари йиғилишлари — турар-жойларда олиб бораётган тарбиявий ишларимизнинг усул ва услублари шулар билангина чекланмайди. Ленинча жумаликлар, лекторлар кунлари ўтказиш анъанага айланиб қолди. Шаҳар партия комитетининг штатсиз лекторлари, «Билим» жамияти аъзолари ижтимоий-сиёсий ва илмий атеистик мавзуларда, халқаро аҳвол тўғрисида лекциялар ўқийдилар, суҳбатлар ўтказадилар.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллик юбилейи яқинлашиб келаётган шу кунларда истиқомат жойларда аҳоли ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар янги формалар билан бойимоқда. Чунончи, «Байнал Минал» маҳалласида қизиқарли интернационал дўстлик кечаси ўтказилди. Унда лектор М. Дадабоев «Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсат тантанаси», 27-мактаб директори М. Мушеев «Улуғ Ватан уруши йилларидаги ғалаба СССР халқлари дўстлигининг қудратли самарасидир» мавзуларида лекция ўқидилар. Тўпланганлар ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат ветеранларининг сўзларини ҳаяжон билан тинглашди. Ҳаваскорлар концертини томоша қилишди. Бундай кечаларни тайёрлаш ва ўтказишда биз маҳалла комитетлари, хотин-қизлар советлари фаол қатнашчиларига эришаётирмиз.

Клублар ва маданият уйлари ходимлари турар-жойларда хилма-хил мазмунли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Чунончи, 4-клубда лекция пропагандаси изчил давом эттирилмоқда, мунозара кечалари, «Қизлар давраси» ўтказилмоқда. Бу ишда халқ университетлари фаолияти ҳам яхши самара бераётир. 1-клуб халқ университетининг илмий-атеизм факультетида «Абу Али ибн Синонинг ҳаёти, фаолияти ва атеистик қарашлари» мавзуида илмий-назарий конференция ўтказилди.

2-клубда ташкил этилган маданият халқ университети маиший турмуш факультетининг деярли ҳамма тингловчилари уй бекаларидир. Халқ университети машғулотлари уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилишга ёрдам бермоқда, 20 дан зиёд уй бекалари ҳозир бадиий тикувчилик фабрикаси ва «Атлас» фирмасида унумли меҳнат қилаётирлар.

Шаҳримизда 28 маҳалла комитети бор. Уларнинг кундалик ишига жамоатчилик кенгаши раҳбарлик қилаётир. Бошланғич партия ташкилотлари, маданий-оқартув муассасалари маҳалла комитетлари билан биргаликда аҳолини коммунистик руҳда тарбиялаш устида кизғин иш олиб бормоқдалар. Маҳалла комитетлари ҳузурида оммавий-сиёсий ишларни олиб борувчи, янги урф-одатларни жорий этувчи советлар ташкил этилган. Улар аҳоли ўртасида фойдали тадбирлар ўтказишнинг чинакам ташкилотчиларига айланиб қолдилар. «Қизил Октябрь» маҳалла комитети бу жиҳатдан ибрат олса арзийдиган тадбирларни амалга оширяпти. Шу ерда ўн олти миллат фарзандлари бир оила фарзандларидек аҳил, иноқ яшаётирлар. Маҳалла комитетининг раиси С. Қаландаров юзга яқин активга таяниб, оммавий-сиёсий ишларни изчил амалга оширмоқда. Одатда ҳамма тадбирлар маҳалланинг «Фаровғат» чойхонасида ўтказилади. Бу ерда кейинги вақтдаёқ 30 дан кўпроқ лекция ўқилди, «Қайнона ҳам она», «Иноқ қўшнилар давраси» кечалари уюштирилди. Маҳалла активлари республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига тайёргарликни ҳар қачонгидан ҳам авж олдириб юбордилар.

Шунингдек, Пушкин номли, Карл Маркс номли, Охунбобоев номли, Совет, Терак таги маҳаллалари комитетлари ҳам кўпгина қизиқарли ишларни ташкил этаётирлар. Улар перспектив план тузиб, шу асосда оммавий-тарбиявий ишларни муттасил кучайтирмоқдалар.

Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида турар-жойларда олиб бораётган ишларимизда ҳали камчиликлар йўқ эмас. Шаҳар партия комитетининг бюроси йиғилишларидан бирида маҳалла комитетларининг аҳолини ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш соҳасидаги иши ҳақидаги масалани муҳокама қилиб, юз бераётган камчиликлар кўрсатиб ўтилди, уларни бартараф этиш йўллари белгиланди.

Маълумки, КПСС XXIV съездида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни муттасил яхшилаб бориш лозимлиги таъкидланган эди. Бунда ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш, илмий-атеистик пропагандани кучайтириш, кишилар билан яккамаякка иш олиб боришнинг аҳамияти беқиёс, албатта.

Шу боисдан маҳаллаларда олиб борилаётган тарбиявий ишнинг мазмуни, савияси, таъсирчанлиги учун коммунистларнинг масъулиятини оширмоқдамиз. Бу ишга шаҳар Совети депутатлари, маданий-оқартув муассасаларининг ходимларини кенг жалб қиляпмиз. Асосий эътибор аҳолининг турли табақалари ўртасида ўзига хос усул ва услубларда иш олиб боришга қаратилмоқда. Маҳалла комитетларининг сайлаб қўйиладиган активларини ўқитишга алоҳида эътибор берилаётир. Янги урф-одатларни турмушга татбиқ қилиш комиссияларининг ишини фаоллаштириш, лекция пропагандасини, айниқса, атеистик пропагандани жонлантириш шаҳар партия комитетининг диққат марказида турибди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари кенг олиб борилаётир. Шаҳар партия ташкилотлари юбилей арафасида амалга ошираётган сиёсий-оммавий ишларнинг усул ва услубларини янада такомиллаштиришни кўзламоқда. Бу ишнинг самарадорлигини муттасил ошириш асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

И. МИРЗАКАРИМОВ,
Марғилон шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

ХУШ ХАБАРЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

БЕЛГИЛАНГАНИДАН ИККИ БАРАВАР КЎП

◆ Андижон шаҳри атрофидаги Охунбобоев номли ихтисослаштирилган сабзавотчилик совхози савдо шохобчасига 1200 тонна эртапишар карам топширди. Бу — йиллик пландагидан беш юз тонна кўп. Пайкалларда эса яна камида уч юз тонна карам бор.

А. Йўлдошев, Э. Шерматов, Н. Собиров бошлиқ сабзавоткорлик звенолари ҳар гектар ердан 400 центнердан карам етиштирдилар. Бу планда белгиланганидан икки баравар кўп.

Экиндан бўшаган ерлар ҳайдалиб, қарамнинг кечки навларини етиштиришга тайёрланмоқда.

ЧОРВАДОРЛАР ҲУЗУРИДА

◆ Фарғона области колхозлари ва совхозларининг подалари боқилаётган баланд тоғли Чўнг-Олой яйловида ёнига қизил крест белгиси қўйилган автомашиналар пайдо бўлди. Охунбобоев район медицина бирлашмасининг бригада аъзолари чорвадорлар ҳузурига келишди. Бригадага врач Жўрабой Буваев бошчилик қилмоқда.

Оқ халатли кишилар бу ерда бир ой турадилар. Улар чорвадорларни ва уларнинг оила аъзоларини профилактик медицина кўригидан ўтказадилар, даволанишга муҳтож бўлган кишиларга ёрдам берадилар.

ИУЛОВЧИЛАР МАМНУН

◆ Наманганда узунлиги 12,5 километрга борадиган янги троллейбус линияси ишга туширилди. Шаҳардаги шу иккинчи троллейбус йўли Дўстлик проспекти орқали янги қурилиш районлари — наманганликлар якшанбада ҳордиқ чиқарадиган жойлар — Мингчинор билан Гўзалгача боради. Янги линия йўловчиларни марказдан шоҳи ва костюмбоп газламалар комбинатига ташиётган автобусларнинг ишини анча енгиллаштирди.

Июнь ойи ичида Ўзбекистоннинг яна икки шаҳри — Самарқанд ва Андижонда янги троллейбус линиялари ишга тушди.

СОВЕТ КИШИСИ УЧУН

◆ Задарё районидаги «Гигант» колхозида 75 ўринли янги касалхона ишга тушди. Касалхонанинг учта бўлими, замонавий медицина асбоб-ускуналари бор. Касалхона колхоз аъзолари умумий мажлисининг қарорига биноан бўшатилган маъмурий корпусда жойлашди.

ДЕПУТАТ МУЛОҲАЗАЛАРИ

ҚОҒОЗДА ҚОЛАЁТГАН ҚАРОРЛАР

КПСС XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини амалга ошираётган районимиз колхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда катта ғалабаларга эришмоқдалар. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш йил сайин кўпаймоқда. Натижада районимиз экономикаси, маданияти юксалмоқда. Бунда район Совети, ижроия комитети ва маҳаллий Советлар депутатларининг ҳам ҳиссаси бор. Сайловчилар томонидан берилган ҳар бир наказнинг бажарилиши алоҳида назорат қилинади. Депутатлар вақти-вақти билан сайловчилар олдида ҳисоб берадилар. Бу Советлар ишини янада жонлантириш ва активлаштиришда ижобий таъсир кўрсатмоқда. Уй-жойлар, социал-маданий ва маиший объектларни қуриш планларининг бажарилишини таъминлаш, қурилиш сифати каби масалалар район Совети ва унинг депутатлари диққат-марказида турибди.

Район меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг халқ хўжалиги планлари ва топшириқларини бажаришда катта муваффақиятларга эришмоқда, саноат корхоналари коллективлари беш йилликнинг (1971—1973 йиллар) уч йилида 170 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқардилар. Бу пландагидан 5,5 миллион сўмлик маҳсулот кўп демакдир. Меҳнат унумдорлиги 4,5 процент ошди. 32 минг 544 квадрат метр уй-жой, 4500 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 1275 ўринли мактаб ёшигача бўлган болалар муассасалари қурилди. Колхоз ва совхозларда 6 та ҳаммом, 4 та касалхона, 25 та маданият уйи, 15 та клуб, 22 кутубхона, 8 та кинотеатр, 3та радиоузел, 38 магазин, 6 та маиший хизмат кўрсатиш комбинати, цехлар ишлаяпти. Кўплаб хўжаликларда коммутаторлар қурилиб ишга туширилди.

Ўтган уч йилда колхоз ва совхозларда 488 хўжалик хуторлардан посёлкаларга кўчиб ўтди. Хўжаликлар газлаштирилди. Айниқса Р. Ҳасанов раислик қилаётган Ленин номли, А. Холбоев раислик қилаётган Ҳамза номли, Э. Матсапоева раислик қилаётган Энгельс номли колхозларда бу ишлар жуда яхши бормоқда.

Бироқ социал-маданий қурилиш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Меҳнаткашларнинг унумли ишлашлари, яхши дам олишлари учун тегишли шароит яратилмаган хўжаликлар йўқ эмас. Колхозлараро қурилиш бошқармаси ва айрим хўжалик раҳбарлари, бир қатор қурилиш ташкилотлари раҳбарлари айби билан маданий-маиший объектлар қурилишига ажратилган маблағлар ҳар йили ўзлаштирилмасдан қолиб кетяпти. Масалан, Карл Маркс номли колхозда 1971 йилда бошланган 400 ўринли клубнинг қурилиши ҳалигача битгани йўқ. 245 минг 700 сўмдан атиги 69 минг 300 сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Охунбобоев номли колхозда 400 ўринли клуб қурилиши бошланганига 8 йилдан ошди. Қурилиш ҳамон ҳаракатсиз қолмоқда. 168 минг сўмдан 62 минг 100 сўми ўзлаштирилди, холос. Колхозлараро қурилиш бошқармаси бошлиғи Айтек Матжонов қурилиш материаллари етишмайди, техника йўқ, деган баҳона билан бу муҳим объектлар қурилишини йилдан-йилга пайсалга солиб келмоқда.

М. Сапаров раислик қилаётган «Коммунизм», С. Нурматов раислик қилаётган Калинин номли колхозларда неча минг сўмлик маблағ сарф қилиниб қурилган ҳаммомлар ёзин-қишин ишламайди. Ҳаммомларнинг эшиги доимо қулфлоғлиқ. «Ленин байроғи», Охунбобоев номли, Карл Маркс номли колхозларнинг раҳбарлари эса ҳаммом қуришни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Қатор хўжаликларда маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари йўқ. Охунбобоев номли, Карл Маркс номли, «Ленин байроғи» колхозлари клубга эга эмас. Натижада колхозчилар, механизаторларнинг кино, театр, концерт кўришлари амри маҳол. Болалар боғчалари ва яслилар қурилиши ҳам жуда секинлик билан бормоқда.

Меҳнаткашлар депутатлари район Совети ва унинг депутатлари меҳнаткашларга коммунал, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга аҳамият бериб келмоқда. Ана шу масала юзасидан район Совети ижроия комитети мажлисида 7 марта, район Совети сессиясида 3 марта қарор қабул қилинди. Бироқ қабул қилинган қарорларнинг ижроси мунтазам равишда назорат қилинмайди. Шунинг учун ҳам бу соҳа оқсаяпти. Қабул қилинган қарорлар қоғозда қолиб кетмоқда.

Яхши қарорлар қабул қилиш билан иш битмайди. Бу қарорларни амалга ошириш учун курашиш, ижрони текшириш керак. Афсуски, Хўжайли район Совети ижроия комитети фаолиятида худди шу изчиллик етишмаётир.

И. БЕРЕКЕЕВ,
Хўжайли район Совети депутати.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ОТАЛАР ШУҲРАТИ — ФАРЗАНДЛАР БАЙРОҒИ

Фашизм билан бўлган шиддатли жангларда бахт ва озодлик учун курашган совет халқи учун катта ва қувончли байрам — Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги яқинлашмоқда. Бу кун оталарнинг шонли эстафетасини давом эттираётган ёшлар учун ҳам муқаддас байрам. Республикамиз йигит ва қизлари, Туркистон ҳарбий округи жангчилари Улуғ ғалабанинг 30 йиллигини, комсомолга В. И. Ленин номи берилганлигининг, Ўзбекистон ССР ва республика Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёрланишмоқда. «ЕШ ЛЕНИНЧИ», «ФРУНЗЕВЕЦ» ва «КОМСОМОЛЕЦ УЗБЕКИСТАНА» газеталарининг кечаги қўшма сони ана шу воқеаларга бағишлаб чиқарилди. «Оталар шуҳрати — фарзандлар байроғи» деган умумий сарлавҳа остида она-Ватан осойишталигини кўз қорачиғидай асраётган кўкси қалқон йигитларнинг кундалик турмуши, сиёсий ва ҳарбий тайёргарликда эришаётган муваффақиятлари, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мавзуида ранг-баранг қизиқарли мақолалар, корреспонденциялар, лавҳа ва репортажлар босилган.

Ўзбекистон билан танишув

Франция Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Ж. Мальвазио бошчилигидаги Франция Коммунистик партияси федерациялари секретарларининг делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

25 июнда франциялик меҳмонлар В. И. Ленин номли Марказий музейнинг Тошкент филиалида, «Ташсельмаш» заводида бўлдилар, Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини, унинг янги уй-жой кварталларини кўриб чиқдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ТЕРМИЗ, 25 июнь. (ЎзТАГ). Бугун меҳнаткашлар депутатлари Сурхондарё область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Область Советининг коммунал хўжалик ва ободонлаштириш доимий комиссиясининг ҳисоботи ҳам тингланди.

Андижон шаҳар саноат корхоналари коллективлари белгиловчи йил марраларини эртароқ эгаллаш учун мусобақани авж олдирмоқдалар. Чапдаги суратда: Володарский номли тикувчилик фабрикасининг пешқадам чеварси Зулхумор Мухторова. У ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот тайёрламоқда. Ўнгдаги суратда: пойафзал фабрикасининг 1975 йил ҳисобига маҳсулот тайёрлаётган ишчиси Исмонжон Жалолов мастер Жамилжон Исоқов билан.

А. Тўраев фотолари.

ВАҚТНИ БОЙ БЕРАЁТГАНЛАР

ҚУРҒОНТЕПА РАЙОНЛАРАРО САВДО БАЗАСИ ҚУРИЛИШИ НЕГА КЕЧИКТИРИЛЯПТИ

◆ ◆

Қўрғонтепа районлараро савдо базаси қурилишининг бошланганига роппа-роса саккиз йил бўлди. Лекин, қурилиш ниҳоясига етгани йўқ. Ҳамма иш ўлда-жўлда. Унинг қачон битиши номаълум. Шундай дейишга асос бор. Чунки, объектларнинг фойдаланишга топширилиш муддати йилдан-йилга сурилмоқда.

База қурилишини дастлаб 45-механизациялашган кўчма колонна коллективи бошлаган эди. Бу ташкилот ишни уддалай олмади. Колонна бошлиғи Ҳамидхонов манмансираб кетди. Маишатга берилиб, ишни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Масъулиятсизлик давлатга қимматга тушди. Бу воқеа холодильник биноси қурилишида содир бўлган эди. Қурилиш 1967 йилда бошланган. Бино тез қад кўтарди. Ҳаш-паш дегунча бетон деворлар тикланиб, томи ёпиб қўйилди. Тепасини битумлаш ҳам унча кўп вақт олмади. Иш ҳамирдан қил суғиргандай осон кўчаётганди, қутилмаганда ишни тўхтатиш ҳақида бонг урилди. Махсус комиссия тузилиб, текшир-текшир бошланди. Томга қалин темир-бетон плиталар ўрнига юпқа плиталар қўйилганлиги аниқланди. Мутахассислар юпқа плиталар узоқ умр кўрмаслигини исботлашди. Шунинг учун 400 квадрат метр жойдаги битум-сақич кўтариб олиниб, юпқа плиталар кўчириб ташланадиган, ўрнига қалин темир-бетон плиталар қўйиладиган бўлди. Қурувчилар сақич кўчириш ва плита алмаштиришнинг қийин бўлишини шу ерда кўришди. Бир ишни икки марта бажаришдан ташқари давлатнинг 30 минг сўм маблағи ҳавога учди.

Шундай қилиб, 600 тонна маҳсулот сақланадиган холодильникнинг фойдаланишга топширилиш муддати орқага сурилиб кетди. Саккиз йил давомида бино битиш ўрнига ховрабога айланди. Деворлари ёғин-сочинда ўпирила бошлади.

Бу кўнгилсиз воқеа қурилиш ташкилоти раҳбарларига катта сабоқ бўлиши керак эди. Лекин улар бундан етарли хулоса чиқариб олишмади. Масъулиятсизлик, бепарволик давом этди. Масалан, 5 минг квадрат метрлик омбор қурилишида ҳам қўпол хатога йўл қўйилди. Омбор деворлари қийшиқ-қийшиқ урилиб, бетон тўсинлар устунларга нотўғри ётқизилди. Бу нуқсон бино тикланганда кейин кўзга ташланиб қолди.

Мутахассислар ҳар хил йўл кўрсатишди: биринчиси, деворни таг-туги билан бузиб ташлаш, иккинчиси, деворга қўшимча симтўрлар қўйиб мустаҳкамлаш. Бусиз деворлар бир томонга ташлаб юборишиги турган гап эди. Қурувчилар иккинчи йўлни танладилар. Тўсинларни тўғрилашнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун уларнинг ёнларига қўшимча темирлар қўйилиб, пайванд қилинди. Бир иш, икки иш бўлди, харакат ортди. Объектни фойдаланишга топшириш орқага сурилди.

Бундан илгарироқ эса иссиқлик тармоғи — бугхона нотўғри қурилиб, девори кўчириб ташланган ва қайта қуриш бошланган эди.

Бу аянчли воқеалар эътиборсизлик ва иш устидан назорат йўқлиги оқибатида содир бўлди. Андижон область партия комитети ва область ижроия комитети база қурилишини тезлаштиришга ўринсиз кўришди. Колонна бошлиғи Улуғбек Ҳамидхонов ишдан олиб ташланди. Қурилиш 45-механизациялашган кўчма колоннадан 24-қурилиш трестига қарашли 67-механизациялашган кўчма колоннага олиб берилди. Ҳатто база қурилиши министрликни ҳам ташвишга солди. Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри бу объектга бир эмас, икки марта келиб кетди. Лекин қурилишда ҳеч қандай ўзгариш бўлмади.

67-механизациялашган кўчма колонна раҳбарлари ҳам ваъдабозроқ чиқиб қолишди. Колонна бошлиғи Юнусали Мирзакаримов ҳамма ерда — райкомда ҳам, обкомда ҳам, 24-қурилиш трестида ҳам: «Бу йил ишни дўндириб ташлаймиз, база қурилишини, албатта, тугаллаймиз», деб ваъда бераверади-ю, унинг ижросига келганда парвойи палак бўлиб қолди.

База қурилишига 2 миллион 19 минг сўм маблағ ажратилган. Ҳозиргача 1 миллион 295 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Базага темир йўл изи киритилиши керак эди. Бу иш ҳали битгани йўқ. Юқорида айтганимиздек, 5 минг квадрат метрлик омборхона қурилиши чала ётибди. Бу объектга 886 минг сўм ажратилган. Бугунгача 538 минг сўм ўзлаштирилди. Бошқача қилиб айтганда, бинонинг девори 99 процент, томи 88 процент, поли 48 процент, зинаси 71 процент, пардозлаш ишлари 32 процент, изоляция ишлари 81 процент битди. Бу ишлар саккиз йил давомида қилинди.

Лойиҳада 200 тонна ёғ сақланадиган омбор қурилишига 33 минг сўм сарфлаш кўзда тутилган. Саккиз йилда 18,5 минг сўмлик иш бажарилди. Қолган 14,5 минг сўмлик ишни бажариш учун тағин неча йил керак бўларкин?

Юқори ташкилотлар «бўл, бўл» деб колонна раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириб юборишганда: «У йўқ, бу йўқ» деган баҳоналар рўкач қилинмоқда. Шундай кезларда савдо базаси ёрдам қўлини чўзмоқда. Масалан, база маъмурияти қурилишга симтўр, тахта, кабель, электр ёритгичлар, вентилятор ва бошқа нарсалар топиб берди. Шундай бўлса ҳам барибир қурилишда бурилиш йўқ. Бунинг сабаби аён: иш ёмон ташкил этилган. Тартиб-интизом бўш. Қурилиш бир икки ойлар тўхтаб қолади. Қурувчилар бошқа объектга олиб қўйилади. Объектни тезроқ қўлдан чиқариш учун жон куйдирадиган одам эса топилмаяпти.

Буларни 24-қурилиш трестининг бошқарувчиси Маъмур Маҳкамов яхши билади. Бўлмаса нега ишни йўлга қўйишга ёрдам бермайди? Нега 67-механизациялашган кўчма колоннанинг масъулиятсиз раҳбарларини тартибга чақириб қўймайди? Ҳамма иллат шунда-да!

Ўзингиз нима дейсиз ўртоқ Маҳкамов? Қўрғонтепа районлараро савдо базаси қурилиши қачон битади?

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИ ТЕКШИРИЛГАНДА

Сурхондарё область партия комитети. Бойсун район халқ судининг раиси Т. Баратов ўз мавқеидан фойдаланиб, уй қуриш учун яхшироқ ердан иккинчи участка олганлиги ҳақида редакцияга ёзилган хат юзасидан текшириш ўтказилди. Унда келтирилган факт тасдиқланди. Т. Баратов ўзига янгидан ажратиб берилган ер участкасидан воз кечди. Ер участкаси бериш ҳақидаги қарор ва Т. Баратовнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинди.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги. Редакция олган хатда Тошкент автовокзали ишидаги камчиликлар, айрим автобус ҳайдовчилар молия интизомини бузаётганликлари кўрсатилган эди. Текшириш ўтказилганида бу фактлар тасдиқланди. Текшириш натижаси Тошкент область автомобиль трести, областлараро автомобиль парки ва автовокзал раҳбарлари иштирокида министрликда муҳокама қилинди.

Автобус ҳайдовчилар П. Талис ва А. Бауманлар йўловчилар ташиш қоидасини бузганликлари ва давлат маблағини ўзлаштирганликлари учун тегишли жазо олдилар. Автовокзал ходими Абдувоҳидовга автобусни жўнатиш қоидасини бузгани учун виговор эълон қилинди. Давлат планини тўла-тўкис бажариш, ходимлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш ва йўловчиларга хизмат қилиш маданиятини ошириш тадбирлари белгиланди.

Қўшкўпир район ижроия комитети. Текшириш ўтказилганида, Калинин номли колхозда капитал қурилиш ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида редакцияга ёзилган хатда кўрсатилган камчиликлар ҳақиқатан мавжудлиги аниқланди. Колхозда техника базаси биноси қурилиши суръатини кучайтириш ва уни шу йилнинг иккинчи кварталида ишга тушириш, бу йил 90 ўринли болалар боғчаси, колхоз правлениесининг янги биноси ва Калинин номли мактабда қўшимча синф хоналари қуриш тадбирлари белгиланди. Район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати бу йил колхозда холодильниклар, электр ва уй-рўзғор буюмларини ремонт қилиш цехлари, фотография очади. Келгуси йил эса колхозда ҳаммом қурилади.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН

ЭЛЛИК ЦЕНТНЕРЧИЛАР ДАЛАСИДА

Тўланбой ДАДАЖОНОВ.

Гулсора УМАРОВА.

Холбек РАСУЛОВ.

Ленин номли совхоз комплекс механизациялашган пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўланбой Дадажонов ҳикоя қилади.

— Бригадамизнинг пахта майдони 120 гектар. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 48,8 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарганмиз. Белгиловчи йилда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик олтин тўйи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, гектаридан 55 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдик. Шуни ҳам айтиш керакки, етиштирилган пахтанинг ҳаммасини қўл кучи ишлатмасдан машиналарда териб оламиз. Шу мақсадда ғўзаларни машина теримига мослаб парвариш қилмоқдамиз.

Деҳқончиликда ўтган йилнинг шу давридаги ҳолат билан белгиловчи йилнинг ҳолати ўртасида қандай тафовут бор? Бу йил гектарларнинг тўла, кўчатлар сонининг кўзда тутилган миқдорда бўлишини таъминладик. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар гектар ерда ўртача 110-115 минг туп ниҳолга эгамиз. Бу дастлабки муваффақиятдир. Чунки, ҳосилни ҳар қатордаги ҳар туп ғўза беради.

Бегона ўтларни бутунлай тугатдик. Натижада ўсимлик ерга солинган ўғит, жўякларга таралган сувдан тўла баҳраманд бўляпти. Ҳозир ғўзаларимиз қийғос шоналаб, гуллаяпти. Бундан кейин ҳам бегона ўтларнинг ўсиб чиқишига йўл қўймаслик чораларини кўряпмиз.

Бултур шу вақтда уч марта комплекс парвариш ўтказган эдик, бу йил тўртинчи комплекс парваришни тугалламоқдамиз. Ғўзаларимиз соғлом ва бақувват бўлиб ўсмоқда. Бригадамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, июль ойининг биринчи ярмида ғўзаларга йиллик ўғит нормасини тўла бериб бўлишга қарор қилдик.

Бу йил сув танқис бўлди, ўтган йили бундай эмас эди. Лекин тадбиркорлик билан иш тутсак, сув танқислигини ҳам енгамиз. Шу кунгача ғўзаларимизни икки марта қондириб суғордик. Июль ойининг биринчи ярмида яна икки марта суғорамиз. Шунгача ғўзалар етарли миқдорда ҳосил нишоналарини тўплаб олади ва сақлаб қолади. Бунинг учун ҳозирги ғанимат дамларда бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлаётгимиз, ҳар туп ғўзани чанқатмай сувга, очиқтирмай озуқага қондирмоғимиз керак.

Культивация билан суғориш бир-бирига боғлаб олиб борилгандагина яхши натижага эришилади. А. Сайфуддинов, С. Дўстов, Ш. Арслонов, С. Ёқубов каби сувчиларимиз кундузи бир гектар, тунда 0,80 гектар майдондаги ғўзаларни қондириб суғормоқдалар. Ер тобига келиши билан ўзим ва механизатор Раҳмон Имомбердиев чуқур культивация ўтказиб, ерда намни тўла сақлаб қолмоқдамиз. Ғўзаларнинг серҳосил бўлиб ўсиши учун агротехниканинг қандай тадбирларини амалга ошириш зарур бўлса, ҳаммасини қилмоқдамиз. Белгиловчи йилда 55 центнерлик «оқ олтин» маррасини сўзсиз эгаллаймиз.

«Октябрь 50 йиллиги» совхозининг бригадири Гулсора Умарова бундай дейди:

— Баҳор инжиқ келди, кўп ёғингарчиликлар бўлди, пахта майдонларини қатқалоқ қоплади. Деҳқонларимиз табиий офатга қарши астойдил курашдилар. Бугун унинг самарасини кўриб турибмиз. 50 гектар майдондаги ғўзаларимиз ёппасига шоналаб, гулга кирди. Эндиги вазифамиз шоналарни янада кўпайтириб, тезроқ гулларга, гулларни эса кўсакларга айлантиришдан иборатдир. Бу осонликча битадиган иш эмаслигини яхши биламиз. Кунларни тунларга улаб пешана тери тўкканимизда, техника воситалари, ўғит, сувдан оқилона фойдаланганимиздагина мажбуриятимизни қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштиришимиз мумкин. Мажбуриятимиз эса юксак — гектаридан 50 центнердан пахта ҳосили етиштиришга азму қарор қилганмиз.

Бугун ҳамманинг ўрни пахтазорда бўлмоғи керак. Сурхондарёликлар ва хўжайлиликлар таъкидлаганларидек, ғўза парваришида сифатга алоҳида эътибор берилмоғи лозим. Бирор туп ғўза чанқатиб қўйилмасин, бирор туп ғўза бостириб, қўлатиб суғорилмасин! Шундагина кутилган натижага эришилади. Автотрактор парларида бекор ётган механизмлар ишга туширилсин, ишлаётганларининг унумдорлиги оширилсин. Механизаторлар мусобақаси авж олдирилсин. Буларнинг ҳаммаси кўп ҳосил тўплаш манфаатларига хизмат қилади.

Биз пахтакорлар зиммамизга яккма тартибда мажбуриятлар олганмиз. Уни муттасил бажарайлик. Механизаторлар, сувчилар, химизаторлар ўз бурчини ҳалол ado этсин, ишда кўзбўямачиликка йўл қўймасин. Ҳаво исиб, ҳарорат кўтариляпти. Деҳқоннинг меҳнати ғўзаларнинг дуркин ўсишига шароит яратсин. Бугунги меҳнатдан қочмасак, қийинчиликларни мардонавор енгсак, кузда пахтадан катта хирмон кўтариб, юзимиз ёруғ бўлади.

«Комсомол» совхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи Холбек Расулов қуйидагиларни айтди.

— Йил бошида гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз деб ваъда берганмиз. Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмайди, дейди халқимиз. Ҳар қандай шароитда ҳам эллик центнерлик маррани эгаллаймиз.

Тўғри, табиат ўжарликлари туфайли бироз қийинчиликлар юз берди, сув танқислиги деҳқонларни анча шошириб қўйди. Лекин бундан саросимага тушмаслигимиз керак. Оз сув билан катта майдондаги ғўзаларни қондириб суғорган деҳқонларни чинакам пахта усталари деб аташ мумкин.

Бригадамиз аъзолари ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олиб ишлаяпти. Июнь ойининг қолган кунларида ҳамма майдонларда бир марта культивация ўтказамиз, иккинчи суғоришни сифатли қилиб тугаллаймиз. Июль ойини ғўза парваришида зарбдор ой деб эълон қилдик. Шу ойда ҳар туп ғўзада ўртача 15-16 та бўлиқ кўсак бунёдга келтирамиз, шоналар, гуллар сонини кўпайтирамиз. Бирорта ҳосил нишонасининг тўкилишига йўл қўймаймиз.

Дўстлик районининг хўжаликларида ҳизмат қилаётган ўн битта пахтачилик бригадасининг бошлиғи гектаридан 50 центнер ва ундан ошириб пахта ҳосили етиштириш ҳақида социалистик мажбурият қабул қилган, район партия комитети бу ташаббусни маъқуллаган эди.

Бугун район хўжаликларининг пахтазорларида бўлган киши эллик центнерчилик бригадаларида ғўза парвариши зўр уюшқоқлик билан олиб борилаётганининг гувоҳи бўлади. Ленин номли совхозининг Ражабали Сатимбоев, Рашид Нурлибоев, «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг Аҳмад Музаффаров, Маман Уролов, Мажид Қорабоев, «Комсомол» совхозининг Олтмиш Назаров бошлиқ эллик центнерчи бригадаларига қарашли майдонлардаги ғўзалар ғўнчасе барқ уриб ўсиб, шода-шода шоналар тўплаяпти, шоналар чаман-чаман гулларга айланяпти. Пахтакорлар эса гулларни кўсакларга айлантириш йўлида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қиляпти.

Дўстлик районининг пахтачиликда жасорат кўрсатаётган 50 центнерчи бригадаларининг чўлқуварларига юксак социалистик мажбуриятларини бажаришлари йўлида катта муваффақиятлар тилаймиз!

М. НАЗАРОВ,
Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

МИХАИЛ ШЕВЕРДИН — 75 ЁШДА

РОМАННАВИС ЎЙЛАРИ



Михаил Шевердин кенг китобхонлар даврасида ўзининг салмоқдор романлари билан машҳурдир. Унинг тарихий-революцион темадаги «Санжар ботир», «Бўри изидан», «Бонг» романлари аллақачон ўқувчилар тилига, наинки тилига, дилига тушиб кетган. Санжар, Зуфар, Сабуров, Робия, Жаннат каби қаҳрамонлар ёзувчи бадиийтида бетакрор тақдирда, қиёфада ва характерда акс этган бўлиб, ҳамон кишиларни мафтун этиб келади.

Михаил Шевердин ижоди ўзининг кенг кўламлилиги билан ҳам қимматлидир. Унинг тасвир сарҳади фақат Урта Осиёда рўй берган воқеа ва ҳодисаларнигина эмас, балки, ҳорижий мамлакатларгача етиб, у ердаги революцион тўлқин ва қурашларни ҳам қамраб олади. Шу маънода ёзувчининг «Саҳродаги соялар» ва «Етти гуноҳи азим» романларини эслаш кифоя.

Биз Михаил Иванович туғилган кун арафасида унинг ҳузурида бўлдик. 75 ёш — қария ёши. Лекин Михаил Иванович ҳали бардам ва тетик. Улкан чинор тагидаги «кўчма ижодхона»сида худди қиричиллама йигитлардай енг шимариб ишларди. У навбатдаги, янги романини тугаллаш арафасида эди.

Суҳбатимизнинг аввали нима ҳақида бўлишини пайқагач, Михаил Иванович шундай деди:

— Ўзбек халқи ўтган 50 йил ичида буюк ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Унинг ҳар бир қадами, жасорати, кураши, ғалабаси тарих саҳифасига олтин ҳарфлар билан битилажак. Шубҳасиз, ўзбек совет адабиёти ҳам мана шу кураш ва жасоратлар жараёнида туғилди, вояга етди, баркамол адабиётга айланди.

Мен ўзбек халқи ва унинг адабиёти босиб ўтган эллик шонли йилнинг жонли гувоҳиман. Ватандошларимнинг кундалик улуғвор ишлари, қувонч ва ташвиш тўла йиллар, манзиллар кўз олдимда ҳамиша гавдаланади.

Адабиёт — халқ қалбининг бир бўлаги дейишади. Ўзбек совет адабиёти ҳам ўз халқи қалбининг бир бўлагидир. Мен буни Абдулла Қодирий ва Ойбек романларида, Ғафур Ғулом ва Уйғун шеърларида, Ҳамид Олимжон поэмаларида, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида, Шайхзода, Зулфия ва Миртемир асарларида кўраман. Ўзбек совет адабиёти шонли эллик йилнинг бадиий солномаси экан, шубҳасиз, бу солноманинг дастлабки зарҳал саҳифаларини шулар ёздилар. Бу дўстларим асарларининг умр боқийлиги ва бадиий баркамоллигини юксак партиявийлик, чукур халқчиллик, даврнинг долзарб масалаларига ҳозиржавоблик каби фазилатлар белгилайди.

— Михаил Иванович, улуғ сана арафасида қаламкаш дўстларингиз ҳақидаги баъзи хотираларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Узим ҳам романнавис бўлганим учунми, менда айниқса, биринчи ўзбек романининг автори Абдулла Қодирий ёрқин ва ўчмас таассурот қолдирган.

Биз Тошкентнинг пастак, лойшувоқ уйларидан иборат маҳалласида учрашган эдик. Қодирий ёзувчилик ишларидан эмас, ўзи ўқитувчилик қилаётган мактаб томидан чакка ўтиши, синфлар совуқлигидан ўқувчилар қўлидан ручкалари тушиб кетаётгани тўғрисида гапирди.

Бу учрашув бизнинг кўп йиллик адабий дўстлигимизга асос бўлди. Мен ўзбек тилини Абдулла Қодирий романларини ўқиб ўрганганман. Биринчи ўзбек романининг илк тақризчиси бўлганимдан ҳалиҳали фахрланиб юраман. Бу тақриз 1928 йили «Партия учун» журналида босилган эди.

Ҳамид Олимжон ёш жиҳатидан мендан ўн ёш кичик бўлса ҳам, уни ўзимга устоз деб биламан. У билан учрашгунимга қадар асарларим фақат вақтли матбуотда босилган бўлиб, улар тарихий ҳикоялар ва очерклардан иборат эди. Бахтимга қарангки, газета ва журнал орқали Ҳамид Олимжон назарига тушган эканман. У асарларимнинг номини биттама-битта айтиб, қисқача таҳлил қилиб берганида бошим кўкка етгандай бўлди. Сўнг у қўлимни саммий қисиб:

— Шунақа мавзуларда катта нарсалар ёзиб беринг, — деди.

Ҳамид Олимжон мени ана шундай руҳлантирган эди. Кўп ўтмай унинг тавсияномаси билан Ёзувчилар союзига аъзо бўлиб қабул қилиндим!

Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳорлар ҳам менда ана шундай ёрқин ва мангу ўчмас хотиралар қолдирганки, уларни ҳам мавриди билан ўқувчиларга айтиб бермоқчиман.

— Ҳозирги ўзбек ёзувчиларининг ўрта ва ёш авлоди вакиллари ҳақида фикрингиз қандай?

— Умуман ўрта авлод ёзувчиларимиз тўғричиларига муносиб асарлар яратдилар ва яратмоқдалар. Мен бунда Асқад Мухтор ва Саид Аҳмадни, Ҳамид Ғулом ва Рамз Бобожонни, Мирмуҳсин ва Раҳмат Файзийни, Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров ҳамда бошқаларни назарда тутаман. Улар ўз бошловчилари традицияларига содиқ қолиб, даврнинг салмоқдор мавзуларини кўтариб чиқмоқдалар. Уларнинг муваффақияти Иттифоқимизда ва ундан ташқарида ҳам кўзга ташланиб турибди.

Ёш авлод вакиллари орасида айниқса Абдулла Орипов ва Гулчеҳра Нуруллаевалар ижоди ярқираб туради.

— Асарларингизнинг ёзилиш тарихига оид қисқача нима дея оласиз.

— Ижодимнинг бир қисмини ўзбек фольклор асарларини тўплаш, уларни русчага таржима ва таҳрир этиш ташкил қилади. Мен оддий ўзбек бешигида катта бўлганман. Илк бор эшитган эртагим ҳам ўзбек халқининг эртаги эдики, тушунчамда лақма Иванушка Алдар кўса билан, Малика Мария Маликаи Ҳуснобод билан, Шаҳзода Иван Алпомиш билан қўшилиб уйғунлашиб кетган эди. Шу сабабдан, назаримда, Оҳангарон тоғларида рус эртагидаги ялмоғиз кампир — Баба яга эмас, ёвуз Жезтирноқ тентирар ва гапга кирмаган болаларни қўрқитиб юрарди. Ўткир Насриддин Афанди эшагига миниб, бизнинг Тилов кўчаларидан ўтар, бизнинг Тилов бозорига борарди. Йўл устида бизнинг маҳалла имомининг пўстагини қоқарди...

Менда ўзбек фольклористикасига бўлган муҳаббат шу тарика туғилган.

Китобхонларга маълумки, «Санжар ботир» ва «Бўри изидан» романларим Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатишдаги дастлабки даврни — 20- йиллардаги воқеаларни ўз ичига олади. Мен гражданлар урушининг, Ўзбекистонда босмачиларга қарши курашнинг қатнашчисиман. Ана шу курашлар жараёнида ўзим шоҳид бўлган воқеалар, кузатган кечинмаларим, қуролдош дўстларим, бевосита душман билан кечаю-кундуз олишувлар асарларимнинг мавзуини ташкил этган. Санжар образида ўзбек халқининг машҳур ўғлони Собир Раҳимов қиёфасини гавдалантиришга интилганман. Чунки мен Собирнинг беқиёс жасоратлари гувоҳи бўлганман.

Анча вақтдан бери олтойлик китобхоним билан хатлашиб тураман. У ўзининг дастлабки хатида менга шундай деб ёзган эди: «Мен сизнинг романларингиздан ўзбек халқи кимлигини билиб олдим». Бу албатта мен учун ҳар қандай мукофотдан қиммат мукофот эди. Мен ўтган йили унга Ғафур Ғуломнинг шеърлар тўпламини юборган эдим. Якиндагина Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романини қадрдон ўқувчимга жўнатдим.

— Ижодий режаларингиз билан таништирсангиз.

— Якиндагина қизим Ирина билан биргаликда «Самарқанд эртаклари» тўпламини нашрга тайёрлаб топширдик. Ҳозир янги романимни оққа кўчириш билан бандман. Асар «Жагарнахт аравасы» деб аталади. Роман асосида 1939 — 1941 йил воқеалари ётади. Маълумки, бу даврда фашизм бутун кулочини ястаганча ёйиб, ҳатто Урта Осиё орқали Ҳиндистонни ҳам забт этишни мўлжал қилган эди. Романда ана шу агрессив ниятни барбод этиш учун кураш ва бу борада эришилган ғалабалар тафсилоти баён қилинади.

— Михаил Иванович, туғилган кунингизда сизга янгидан-янги ижодий парвозлар, битмас-туганмас сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Юсуф БЕРДИЕВ,

планетамизда

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ФРАНЦИЯДА БЎЛИШИ ТЎҒРИСИДА

ПАРИЖ, 24 июнь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Б. Н. Пономарев бошчилигидаги КПСС делегацияси Франция Коммунистик партиясининг таклифига биноан 19 июндан 24 июнгача Францияда бўлди. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Э. Восс, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ В. В. Загладин ва КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Ленинград область комитетининг секретари ўртоқ З. М. Круглова бор эди.

Делегация Франциянинг бир қанча районларида бўлди, у Франция Компартиясининг Париждаги, Эссон ва денгиз бўйидаги Сена департаментларидаги ташкилотларининг фаолияти билан, бир қанча демократик муниципалитетларининг иши билан танишди, «Юманите» газетаси редакциясида учрашув ўтказди.

Делегацияни Франция Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Жорж Марше қабул қилди. Ўртоқ Жорж Марше билан ўртоқ Б. Н. Пономарев ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида Франция Компартиясининг раҳбарлигига КПСС Марказий Комитетининг, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кардошлик саломи топширилди.

Делегация Франция Компартиясининг Марказий Комитетида ФКП делегацияси билан учрашди ва суҳбатлашди. ФКП делегацияси составида ФКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Марказий Комитет секретарлари Гастон Плиссонье ва Поль Лоран, ФКП Марказий Комитетининг аъзолари Жан Канапа ва Жак дени, ФКП Марказий Комитетининг масъул ходими Мишель Жуэ бор эди. Бу суҳбатлар КПСС билан ФКП ўртасида мавжуд муносабатларга хос бўлган дўстлик ва интернационал якдиллик вазиятида ўтди.

Делегациялар бир-бирларини қизиқтирувчи бир қанча масалалар юзасидан, шу жумладан, халқаро аҳвол ва жаҳон коммунистик ҳаракатининг биргаликда иш кўриши проблемалари юзасидан фикрлашиб олдилар. Делегациялар КПСС билан ФКПнинг марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми ғояларига содиқ эканликларини таъкидлаб, ҳар икки партия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бундан бўёнги тадбирлар тўғрисида келишиб олдилар.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ ЯКУНЛАРИ

ВЕНА, 24 июнь. (ТАСС). Австрияда шу йил апрель ойида вафот этган Ф. Ионас ўрнига Австрия республикасининг янги президенти сайлови ўтказилди. Ҳукмрон социалистик партия номзоди, Австриянинг ҳозирги ташқи ишлар министри Р. Кирхшлегер сайловда ғалаба қозонди. У овозларнинг 51,7 процентини олди. Унинг рақиби Австрия халқ партиясининг номзоди, Инсбрук шаҳрининг бургомистри А. Луггерга сайловчиларнинг 48,3 проценти овоз берди.

ЯНА «ДАЦЗИБАОЛАР КАМПАНИЯСИ» БОШЛАНДИ

Кейинги кунларда Пекинда айрим революцион комитетлар ва уларнинг раҳбарлари кескин танқид қилинган плакатлар—дацзибаолар ёнида тўпланаётган одамлар яна кўзга ташланиб қолди.

Илгари бошқа жойларда пайдо бўлган дацзибаолар каби ҳозир Пекинда тарқатилаётган шундай плакатлар услуб жиҳатидан «маданий революция» йилларида Хитой шаҳарларининг кўчаларини тўлдириб юборган плакатларни эслатади. Чет эл агентликларининг Пекиндан берган хабарларида айтилишича, халойиқнинг кўриши учун осиб қўйилаётган дацзибаолар билан бирга Хитойдаги фабрикалар, муассасалар ва шу каби жойларда «бегона кўздан пинҳон тутилган дацзибаолар кампанияси» ҳам бошланган. Бу ердагилар Пекин революцион комитетининг раҳбарларига қилинаётган ҳужум бошқа вилоятлардаги ҳарбий ва сиёсий арбоблар шаънига қилинган танқид билан ўхшаш эканлигига эътиборни жалб қилмоқдалар.

Хитойнинг бир қанча раҳбарларининг, шу жумладан, ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Хунань вилояти партия комитетининг биринчи секретари Хуа Го-фэннинг, шунингдек шу вилоят революцион комитети раисининг ўринбосари Ян Даининг ҳаракатлари қораланмоқда. Шимоли-Шарқий Хитой бўйлаб сафар қилиб келган дипломатларнинг айтишига қараганда, Харбин марказига ёпиштириб қўйилган дацзибаоларда Хэлунцзян вилояти партия комитетининг биринчи секретари ва шу вилоят ҳарбий округининг қўмондони Ван Цзэ-даонинг ҳаракатларидан норозилик изҳор этилган; Юньнань вилоятига бориб келган ажнабийлар ўша вилоятнинг раҳбарлари «фош қилинаётганлигини» айтдилар.

«Бир ховуч синфий душманлар фош қилинсин», чунки уларнинг вакиллари раҳбар лавозимларни эгаллаб олиб, дацзибаоларнинг даъво қилишича, «Линь Бяо тарафдорлари билан алоқа боғлаб турибдилар» деган чақириқлар эшитилмоқда.

Хитойдаги воқеаларнинг ривожи чет эл матбуотида жуда хилма-хил тарзда талқин қилинаётган бўлса-да, мақолалар раҳбарлиги ичидаги турли рақобатчи группаларнинг кураши давом этаётганлиги шубҳасиз. Рейтер агентлиги Пекиндаги мухбирининг таъбири билан айтганда «Хитой сиёсий нуқтаи назардан узоқ давом этадиган жазирама ёзни бошдан кечирадиганга ўхшаб турибди». (ТАСС).

МАОИЗМ БОШИ БЕРК КЎЧАДА

Маоизм бугунги кунда троцкизм, анархизм, майда буржуазия социализми, конфуцийчилик ва бошқа манбалардан олинган ҳар хил аралаш-қуралаш қарашларни ўзида акс эттиради. Пекин раҳбарлари маоизмнинг ғоявий иккиюзламачилигидан фойдаланиб, турли вазиятларга мослашишга ўринмоқдалар.

Пекин раҳбарларининг ҳозирги замонининг асосий проблемаларига ёндашишда тутаётган йўли уларнинг сиёсий беқарорлигини яққол кўрсатиб турибди. Маочиларнинг принципсизлиги уларнинг жаҳон майдонида синфий кучлар жойлашишига берган баҳоларида айниқса яққол намоён бўлди. Ҳозирги давр жаҳон революцион жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, турлича тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва бошқа муҳим сиёсий масалалар тўғрисидаги уларнинг нуқтаи назарлари Хитой раҳбарларининг қатъиятсизлигинигина эмас, балки ҳозирги замон сиёсий аҳволига уларнинг нотўғри баҳо беришларини ҳам кўрсатиб турибди.

Маочиларнинг сиёсий найранглари улар тутаётган йўлда жиддий ўзгаришлар бўляпти деган гап эмас. Пекин раҳбарларининг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан алоқани узиш, Совет Иттифоқига қарши курашиш сингари хатти-ҳаракатларини оқлаш учун шундай қилиняпти.

Пекиннинг тинч-тотув яшаш принципларига муносабати миллий маҳдудликдан бошқа нарса эмас. Хитой раҳбарлари бу принципни буржуазия принципи деб ҳисобламоқда. Тинч-тотув яшаш империализм эҳтиёжларига мос бўлиб тушади, деб аюҳаннос солмоқда улар. Тинч-тотув яшаш принципи синфий курашни бўғади, унга қиёнат қилади ва жаҳон миқёсида синфий ҳамкорликка олиб келади, пролетар интернационализми принципларидан чекинтиради, деб даъво қилмоқда маочилар. Бироқ бу нарса уларнинг АҚШ билан муносабатларини яхшилашга халақит бермади. Пекин раҳбарлиги капиталистик мамлакатлар билан ўз алоқаларини нормаллаштиришга уриниб, Совет Иттифоқи билан муносабатларда кескинликни кучайтирмоқдалар. Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, маочилар тинч-тотув яшаш принципларини ўзларининг миллий манфаатларига мос бўлиб тушсагина тан олмоқдалар.

Америкага қарши кураш узоқ вақт давомида маочилар «революционлиги»ни кўрсатиш учун асосий реклама ролини ўйнаб келди. Пекиннинг ҳозирги ташқи сиёсий йўли соҳта революцион шиорларнинг қаҳқаҳий мазмунини ифодалаб турибди. Эндиликда империализмга қарши ўта сўл «революцион уруш» чақириқларидан, Америка империализмига қарши шафқатсиз кураш ҳақидаги даъватлардан ҳеч нарса қолмади. Империализмга қарши курашни охиригача давом эттириш тўғрисида коммунистик ҳаракат билан мунозара бошлаган маочилар бугунги кунда НАТО ва бошқа империалистик ҳарбий блоклар ҳимоясига ўтиб олдилар. Хитой раҳбарлари энди ўз сиёсатларини социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши кураш асосига қурибгина қолмай, империалистик давлатлар билан яқинлашмоқдалар, баъзи ҳолларда эса энг реакцион кучлар томонига ўтиб олмоқдалар.

Маочилар ўз ташқи сиёсий стратегияларини назарий жиҳатдан асослашга ҳар қанча уринмасинлар, Хитой раҳбарлигининг фақат социализм принципларидангина эмас, антиимпериализм принципларидан ҳам тўла чекинганликларини, социализмга хиёнат қилганликларини, реакцион позицияга ўтиб олганликларини асло яшира олмайдилар.

Бултур, август ойида Хитой Компартиясининг X съезди бўлиб ўтди. Съезд кутилмаганда чақирилиб, жуда шошилинч ўтказилди. Синьхуа агентлиги съездни «бирлик съезди» деб атади. Аслида эса, маочи партия-кураш чи гуруҳлар йиғиндиси эканлиги маълум бўлди. Маоизм ғоялари асосида ташкил топган ва ривожланган фракциялар Мао Цзэ-дун ва унинг концепцияларини зўр бериб мақташда ўзаро рақобат қилаётирлар. Уларнинг рақиблари эса узоқ йиллар давомида маънавий ва жисмоний террорга қарамай марксизм-ленинизм принципларига содиқ қолган кишилардир. Маоизм гуруҳлари ичида давом этаётган фракцион кураш авж олмоқда. Бу кураш энг аввало, бу улкан мамлакатнинг барча соҳаларда муваффақиятсизликлар туфайли келиб чиққан норозиликларда, жамият асосий группаларининг ҳаётий манфаатларига қарши қаратилган сиёсатда ўз аксини топмоқда. Бу ўринда гап маоизмнинг идеологик ва сиёсий, иқтисодий танглигининг янгидан авж олгани ҳақида бораётир.

Хитойдаги ҳозирги вазият социализм қурилишининг умумий қонунларидан чекиниш, ленинизмни инкор этиш, мамлакатда мао доктринасини ўтказиш туфайли юз берди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Бауман сайлов округи сайловчилари билан бўлган учрашувда таъкидлаб ўтганидек, «Хитой билан муносабатларимизга келганда, табиийдирки, биз бундан буён ҳам антисовет туҳматларга зарба бераверамиз, давлатимиз манфаатларини, хавфсизлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаверамиз. Шу билан бирга биз Хитой билан муносабатларимизни нормаллаштириш, буюк хитой халқи билан дўстликни пролетар интернационализмининг мустаҳкам негизида қайта тиклаш тарафдори бўлиб қолаверамиз».

Евг. БЛОК,
доцент.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **САНО. Бу ерда Яман Араб Республикасининг янги ҳукумати тузилганлиги эълон қилинди.**

Яман Араб Республикасининг Англиядаги элчиси Ал-Айний бош министр ва ташқи ишлар министри бўлди. У илгари бир неча бор ҳукуматга бошчилик қилган эди. Собиқ бош министр Ҳасан Мекки бош министрнинг иқтисодий ва молия масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари лавозимини эгаллади. Яҳё Мутаккил ички ишлар министри, Абдил Ваҳоб Маҳмуд экономика министри қилиб тайинланди.

● **ЛАГОС. Пойтахтдаги «Метро» кинотеатрида «Халоскорлик» совет кино-эпопеясининг премьераси бўлиб ўтди. Кўрин вақтида намойиш қилинган «Берлин учун жанг» ва «Сўнгги штурм» кинофильмлари зўр қизиқиш туғдирди ва ҳозир бўлганлар томонидан саммий кутиб олинди. Ҳозир бўлганлар орасида Нигериянинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари бор эди. (ТАСС).**



Қўқон сунъий чарм заводи маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Юқоридаги суратда: янги фойдаланишга топширилган корхона участкаларидан бирининг кўриниши. Пастдаги суратда: ёш корхонанинг ишчан мутахассисларидан инженер М. Ҳамидова, катта диспетчер Т. Ивлева, цех мастери Т. Маницина ва диспетчер З. Лобзина.

А. Тўраев фотолари.

КАШФИЁТЧИ ТЎҚУВЧИ

Қашқадарёлик моҳир тўқувчи Адолат Турсунова кашф этган саккиз номдаги гилам Шаҳрисабздаги «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикасининг харидорларга энг маъқул тушган маҳсулотларидан ҳисобланади. Кўли гул тўқувчи ижод этган нусхалар орасида «Беҳзод», «Пахта», «Шаҳрисабз», «Атир гул» ва «Наврўз» каби сержило гиламлар бор.

Б. НОМОЗОВ.

ИЛМИ ЛАБОРАТОРИЯЛАРДА

ҲАЁТ ОМИЛИ

Чигитдан нималар олинмайди дейсиз. Унда ҳосил кўп. Дарвоқе, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари чигитнинг янги бир хусусиятини ўрганиб, ўз кашфиётларини ҳаётга йўлладилар.

Оқсил ҳаёт омилидир. Одам организми оқсилни асосан гўшт, сут, нон ва бошқа маҳсулотлар орқали қабул қилади. Мутахассисларнинг ҳисоблашича кўра, бир киши ўрта ҳисобда кунига юз граммдан оқсил истеъмол қилиши керак экан. Лекин жаҳон аҳолисининг тез ўсиши натижасида оқсил танқислиги йилдан-йилга сезилиб қолмоқда. ЮНЕСКО ва БМТ берган маълумотларга қараганда, ҳатто ривожланган капиталистик мамлакатларда, хусусан, АКШ, Англия ва Францияда ҳар куни киши бошига 80-85 граммдан оқсил тўғри келяпти. Осиё ва Африка мамлакатларида эса бу рақам деярли икки баробар кам. Шунинг учун ҳам қатор мамлакатлар олимлари олдида оқсил муаммосини ҳал этиш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди.

Жаҳон олимлари оқсилни кўпайтириш йўлида ҳамма имконият ва маҳаллий ресурслардан тўла фойдаланиш чораларини изламоқдалар. Жумладан, Япония олимлари оқсил устида ўзига хос тажрибалар ўтказмоқдалар. Тозаланган нўхатдан оқсил эритмаси олинмоқда. Бу оқсил махсус ишловдан сўнг истеъмолга яроқли, деб топилмоқда.

Яқинда Америка олимлари лабораторияларидан оқсил ни олиш усулини синаб кўрдилар. Бу борада ўзбек олимлари Америка олимларидан анча илгарилаб кенг миқёсда изланиш ишлари бошлаб юборган эдилар. Эндиликда улар қувончли натижаларга эришмоқдалар.

Ўсимлик моддалари кимёси институти директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Собир Юнусов ташаббуси билан 1966 йилда институтда ўсимликлар оқсили кимёси лабораторияси ташкил қилинди. Лабораторияда оқсилнинг хусусиятлари ва таркиби ўрганила бошланди. Чигит мағзидан ёғ ажратиб олингандан сўнг қолган кунжара таркибида кўп миқдорда оқсил борлиги аниқланди. Ана шу оқсилни соф ҳолда ажратиб олиш устида изланишлар олиб борилди.

Чигитнинг янги хусусияти ва бу соҳадаги дастлабки натижалар ҳақида Собир Юнусов 1969 йилда XIX Тошкент шаҳар партия конференциясида ахборот берган эди.

— Йигирмата аминокислотадан ташкил топган оқсил жуда мураккаб бирикма ҳисобланади. У ўсимликнинг ўсиши жараёнида кўп энергия сарфланиши эвазига ҳосил бўлади, — деган эди профессор Собир Юнусов. — Ўсимлик мойи эса оддийроқ бирикма саналади. Унинг ўсимликдаги синтези учун оқсилга нисбатан анча кам энергия сарфланади...

Ҳозир ёғ-мой комбинатларида чигитдан ёғ олиш пайтида унинг оқсилига етарли эътибор берилмайди. Натижада кўплаб миқдорда оқсил куйдириб юборилади.

Институтнинг эксперименталтехнология лабораторияси 1971 йилдан бошлаб кунжара таркибидаги оқсилни ажратиб олиш проблемаси билан шуғулланади. Бу изланишлар зое кетмади. Кунжара таркибидан 15 процентга етказиб оқсил моддаси, бундан ташқари фармацевтика саноати учун керакли бўлган госсипол, фитин, рафиноза, сувда эрувчан витаминлар сингари қимматбаҳо моддалар ажратиб олинди.

Москвадаги бир қанча илмий-тадқиқот институтларида ҳам чигитдан олинган оқсил синовдан ўтказилди. Шундан кейин оқсил нон, кондитер маҳсулотларига ва колбаса таркибига қўшилди. Тайёр маҳсулотнинг тузилиши ва таъми сақланиб қолаверди, таркибидаги оқсил эса икки баробар кўпайиб, тўйимлилик даражаси ортди.

Тошкентдаги 3-нон заводида ҳам оқсил қўшилган ундан тажриба учун нон ёпиб кўрилди. Нонинг мазаси ва тўйимлилик даражаси новвой ва медиклардан тузилган махсус комиссия томонидан юкобий баҳоланди.

Шуниси диққатга сазоворки, тошкентлик олимлар кашф қилган оқсил Америка олимлари ишлаб чиқараётган оқсилдан сифати ва миқдори жиҳатидан устун туради.

Ёғ-мой лабораториясига химия фанлари кандидати Аббос Умаров раҳбарлик қилади. Бу ерда олиб борилаётган тадқиқотлардан бири ва асосийси чигитдан комплекс фойдаланиш масаласидир.

Маълумки, чигит таркибидан ёғни ажратиб олиш пайтида у каттик қиздирилади. Натижада чигит таркибидаги оқсилнинг кўп қисми пишиб кетади ва улар тўғридан-тўғри кунжара таркибига қўшилади. Мана шу муаммони ҳал қилиш лаборатория илмий ходимлари зиммасига юклатилди. Узоқ давом этган изланиш, мунозара ва мулоҳазалар ўз самарасини кўрсатди.

Лабораторияда икки карра экстракция қилиш усули (эритувчилар ёрдамида эритиш) ишлаб чиқилди. Экстракция натижасида ёғ ва кунжарага илашган «озод» ёғ кислоталари, қанд, фосфатидлар ва госсипол ажратиб олинди. Бу моддалардан ҳам халқ хўжалигида қимматли маҳсулот сифатида фойдаланиш мумкин. Икки карра экстракция қилиш натижасида ёғнинг сифати яхшиланди.

Оқсили ажратиб олинган кунжара ҳам ўз қийматини йўқотмади. Тошкент чорвачилик илмий-тадқиқот институтида янги усулда олинган кунжара қора молларга озуқа сифатида бериб кўрилди. Бу озуқа аввалгиси билан тенг рақобатлаша олиши амалда исботланди.

Оқсил олиш технологияси мукаммал ишлаб чиқилгач, тажриба ва тадқиқотлар учун кўп миқдорда оқсил ажратиб олиш максадида техника фанлари доктори, профессор Т. Шокиров ва техника фанлари кандидати М. Тўрахўжаев бошчилигида янги тажриба қурилмаси монтаж қилинмоқда. Бу қурилмада соатига беш килограммгача оқсил ажратиб олиш мумкин бўлади. 1976 йилга бориб кунига 15 тоннадан оқсил ажратиб бера оладиган тажриба қурилмаси ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Жаҳонда оқсил етишмаслиги ҳақида фикр юритишга ҳали анча эрта бўлса ҳам ўзбек мутахассислари ва олимлари бу муаммони олдиндан ҳал қилдилар. Уларга «оқ олтин» ёрдамга келди. Яратилган бу янгилик учун институт директори Собир Юнусов, профессорлардан Ф. Йўлдошев, Т. Шокиров, катта илмий ходим М. Тўрахўжаев ва бошқа илмий ходимлар СССР Министрлар Совети кашфиётлар ва ихтиро ишлари Давлат комитетининг авторлик гувоҳномасини олишди.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

Реклама ва эълонлар

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

1974-1975 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА КУНДУЗГИ БЎЛИМНИНГ 1- КУРСИГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ФАКУЛЬТЕТИ: гидромелиорация системалари, ирригация иншоотлари ва гидроэнергетик тармоқларни излаш, лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш бўйича инженер-гидротехниклар тайёрлайди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ: деҳқончиликни механизациялаштириш мутахассислиги бўйича — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш, трактор, автомобиль ва қишлоқ хўжалик машиналари эксплуатацияси ва уларни ремонт қилиш бўйича кенг профилдаги инженер-механиклар тайёрлайди.

ЧОРВАЧИЛИКНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ: чорвачилик фермаларини ва чорвачилик ишлаб чиқариш процессларидаги ҳамма ишларни механизациялаштириш бўйича инженер-механиклар тайёрлайди.

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ: гидромелиорация ишларини механизациялаштириш, йўл-қурилиш машиналари паркининг эксплуатацияси ва ремонти бўйича инженер-механиклар тайёрлайди.

ЕР ТУЗИЛИШИ ФАКУЛЬТЕТИ: деҳқончилик маданиятини ошириш, колхозлар ва совхозлар территориясини ташкил қилиш, ер фондларини ҳисоблаш, тақсимлаш ва улардан рационал фойдаланиш бўйича инженер-ер қурувчилар тайёрлайди.

СУВ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ: сув хўжалиги учун инженер-иқтисодчилар тайёрлайди:

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ: Қишлоқ хўжалигига электр энергиясини татбиқ этиш — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш процессларини электрлаштириш бўйича кенг профилдаги инженер-электриклар; қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш — қишлоқ хўжалиги учун белгиланган подстанциялар ва электр узатиш линиялари қурилишини лойиҳалаш ва эксплуатация қилиш бўйича инженер-электриклар тайёрлайди.

ГИРДОТЕХНИК ҚУРИЛИШЛАР ФАКУЛЬТЕТИ: гидротехник иншоотлар ва гидроэлектростанцияларни лойиҳалаш ва уларни қуриш бўйича юқори малакали инженер-гидротехниклар тайёрлайди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИ РЕМОНТИ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ ФАКУЛЬТЕТИ: қишлоқ хўжалик машиналари ремонти технологияси ва ташкил этиш, ремонт қилиш корхоналарини лойиҳалаш, машиналар ремонти учун мослаш ва конструкциялаш бўйича инженер-механиклар тайёрлайди.

Аризалар институт ректори номига ягона формада ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат (асли), характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см катталикдаги бош кийимсиз тушилган 4 дона фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Камида икки йиллик иш стажига эга бўлиб ўқишга йўлланма билан келганлар иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжатни кўрсатадилар.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ — 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ЎТКАЗИЛАДИ: **математика** (ёзма ва оғзаки), **физика** (оғзаки), **рус тили ва адабиёти ёки ўзбек тили ва адабиёти** (ёзма).

СТУДЕНТЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИГА АСОСАН ЎТКАЗИЛАДИ.

Студентлар умумий асосларда стипендия билан таъминланадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қори-Ниёзий кўчаси, 38- уй, телефонлар: 33-99-98, 33-42-24.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00— МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Кувноқ пионер ёзи. 18.35 — Концерт. 19.10 — «Ахборот». 19.25 — **Дўстлигимиз — қудратимиз.** 19.45 — Шеърият мухлисларига. 19.55 — «Ахборот». 20.15 — Илғорлар минбари. 20.30 — Ўзбекистон ССР халқ артисткаси Берта Давидова куйлайди. 21.00 —МОСКВА. **Футбол бўйича жаҳон чемпионати.** 22.45 — «Вақт». 23.15— Дўстлар меҳри. 24.00 — Рақс зали. 00.30 — **Футбол бўйича жаҳон чемпионати.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. 11.20 — **Суяксиз бола** (бадиий фильм). 18.00 — МОСКВА. Телефильм. 19.05 — Янгиликлар. 19.15 — П. И. Чайковский номидаги V халқаро конкурсида. 20.15 — **Телеминиатюралар.** 21.00 — ТОШКЕНТ. «Ешлик» студияси кўрсатади. 21.25 — Сухбат. 21.40 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — **Сонин соҳиллар** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Математика оламига саёҳат. 19.55 — Илмий-оммабоп фильм. 20.05 — Белгиловчи йил вахтасида. 20.25 **Женя, Женечка, Катюша** (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/VI да **Бой ила хизматчи.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Уктам суворийнинг саргузаштлари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «СПУТНИК», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруғи), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Масхарабоз Цибулна ва 6 айиқ — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Уктам суворийнинг саргузаштлари — «ХИВА».

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

28 ИЮНЬ ЭРТАЛАБ СОАТ 10 ДАН БОШЛАБ

Ўрта мактабларни битириб чиққанлар учун

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ

ЎТКАЗАДИ

ЎРТА ОСИЁ РЕГИОНАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

лаборатория мудири: қор қатлами ва гляциология бўлими тармоғининг методик раҳбарлиги;

гляциология бўлими қошидаги қор уюми ишлари бўйича шартнома тузиш группасининг катта илмий ходими;

оператив гидрометеорология прогнозлари бўлимининг кичик илмий ходими.

КОНКУРС МУДДАТИ — 7 ИЮЛГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳар, ГСП, Астрономическая кўчаси, 31-уй. Телефон: 33-43-49.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕРИ-ВЕНЕРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

венерология бўлимининг катта илмий ходимлари

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 20 июлгача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент—15, Кафанов кўчаси, 104-уй.

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

«Совет Ўзбекистони» газетасида 22 майда вакант вазифаларга эълон қилган конкурс муддати

1 АВГУСТГАЧА УЗАЙТИРИЛГАНЛИГИНИ

БИЛДИРАДИ

Ўзбекистон Радиоси коллективи чолғу асбоблари оркестрининг собиқ солисти, Ўзбекистон ССР халқ артисти К. Жабборовга рафиқаси

Рисолат ЖАББОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

спорт

КЛАССИК КУРАШ. Испания пойтахтида ниҳоясига етган Европа чемпионатида Совет Иттифоқи терма командаси катта муваффақиятга эришди. Шахсий беллашувларда олтита олтин, уч кумуш ва битта бронза медаль олишга муваффақ бўлган совет полвонлари командалараро мусобақада ҳам биринчи ўринни эгаллаб, чемпионатнинг асосий совринини қўлга киритдилар.

Фарғонада республикамизнинг турли областларидан тўпланган юзга яқин ёш полвонлар иштирокида Ўзбекистон шахсий-команда чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада «Меҳнат» спорт жамияти вакиллари биринчи, динамочилар иккинчи ва «Локомотив» спортчилари учинчи ўринни олдилар.

ШАХМАТ. Жаҳон шахмат олимпиадасида финал ўйинлари давом этмоқда. Совет шахматчилари тўққиз турдан бери мағлубиятсиз курашишмоқда. Руминияликлар билан бўлган сўнгги ўйинда кечиктирилган бир партияни ҳисобга олмаганда шахматчиларимиз 36 имкониятдан 27,5 очко тўплаб, пешкадамлик қилмоқдалар.

ҚЎЛ ТЎПИ. Ўзбекистон физкультура институти командаси СССР биринчилигининг тўртинчи давра ўйинларини бошлаб юборди. Команда дастлаб Запорожье алюминсозлари билан учрашди. Ўйиннинг биринчи ярмида кураш тенг борди (14:14), лекин мусобақа пировардида украин спортчиларининг қўли устун келиб, матч 28:23 ҳисобида улар фойдасига ҳал бўлди. Тошкентликлар кейинги икки учрашувда бир тўп фарқ билан ютқазиб қўйдилар.

* * *

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетида область, шаҳар ва район спорт комитетлари, кўнгилли спорт жамиятлари марказий ва республика Советлари раислари нинг икки кунлик семинари бўлди. Семинар қатнашчилари республикада физкультура ва спортни ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари юзасидан фикр алмашдилар, Тошкент ва Чирчиқнинг асосий спорт базаларини бориб кўрдилар.

ШАХМАТ

НУСХА КЎЧИРМАСАМ, ДЕЙМАН...

Мамлакатимизда йирик шахмат мусобақалари ҳамиша катта бино ва саройларда ўтказиб келинган. Чунончи Москвадаги Союзлар уйининг муҳташам Октябрь зали, ҳамда Колонна зали, санъат кошонаси деса арзигулик А. С. Пушкин номидаги музей заллари, Чайковский номли консерваториянинг катта зали, шунингдек эстрада театри муҳлислар ҳамон эслаб юрадиган мусобақаларнинг «шоҳиди» бўлган.

Ленинградда якунланган Б. Спасский ва А. Карпов матчи ҳам шаҳарнинг энг кўркам биноларидан бирида — Дзержинский номли маданият саройида ўтказилди. Минглаб ишқибозларни ром этган бу ўйин кезлари билет йўқлигидан кўчадаги катта шахмат тахталари атрофида ҳаваскорлар тўпланиб, партияларни таҳлил қилиб боришди.

Хизмат юзасидан Ленинградда бўлган самарқандлик журналист А. Жўрабоев матчнинг ёпилиш маросимидан кейин ўтказилган саволжавоб кечасида иштирок этиб, баъзи масалалар юзасидан гроссмейстер А. Карповнинг фикрини олди. Қуйида ана шу суҳбат баёнини ҳавола қиламиз:

◆ ◆

— Аввал ишга солмаган янгича усулларни қўлладингиз, курашнинг боришини ҳам шунга яраша ўзгартириб турдингиз, шекилли-а?

— Борис Васильевичдек универсал шахматчига қарши чуқурроқ ўйланган стратегик режа кераклиги аввалдан аён эди бизга. Бизга дейишимнинг бонси — тренеримни ҳам кўзда тутяпман. С. А. Фурман ҳормас-толмас устоз, нозик психолог. Ундан олдин расмий тренерим бўлмаган. Лекин болалигимдан М. Ботвинник билан яқин алоқада бўлиб турдим, кўп нарсани ўргандим.

— Айрим шархловчилар сизни «совет Фишери» деб ҳам аташяпти. Бунга нима дейсиз?

— Фишернинг битта бўлгани маъқул. Дарвоқе, бир нарса ёдимга тушиб қолди. Американинг кўзга кўринган ёзувчиларидан бири Френсис Скотт Фицжеральд (1896—1940 йиллар) ўлимидан ҳиёл олдин адабиётда кучини синай бошлаган қизига шундай деб ёзган экан: «Ҳали ҳеч ким ёзувчи бўлишни истагани учунгина ёзувчи бўлган эмас. Мабодо, илгари ҳеч ким айтмаган бирон нарса демоқчи бўлсанг, ўзингча мустақил фикр юритишга каттиқ кўникма ҳосил қил, оқибатда сенда ўшаларни ифода қилишинг ҳеч ким тополмаган ўзингга хос услубинг пайдо бўлади. Ана шунда уларнинг мазмуни билан шакли уйғунлашиб, бир бутунликни ташкил этадики, бамисоли азалдан ажралмасдек боғланиб қолади...». Шунга ўхшаб, Фишер ҳам ўз услуби билан Фишер бўлди. Мен ҳам нусха кўчирмасам дейман.

Ўша куни Одесса матчининг голиби В. Корчнойга ҳам саволлар билан мурожаат қилдик:

— Виктор Львович, матч олдидан қилинган башорат-у, кароматлардан ранжимаганмидингиз?

— Мутахассислар фикрини бир ёққа қўйиб турайлик. Агар ўшанда Петросян билан менга тааллуқли маълумотлар электрон ҳисоблаш машиналари ихтиёрига топширилганда ҳам менинг чекимга «галаба» деган хулоса чиқиши даргумон эди. Шунинг учун ҳам бошқачароқ тарзда қурашга кирдим. Зимдан каттиқ шайланган эдим. Тигран Вартановичнинг ончалик шай эмаслиги мушкулни осонлаштирганини эътироф этмай бўлмайди. Шунинг учун ҳам олишув узоққа бормади...

Сентябрни мўлжалга олган бу икки азамат совет гроссмейстери бир-бирининг ижодий йўли, кучмаҳорати ва колаверса инсоний фазилатлари ҳақида ҳам анчагина илиқ сўзлар айтишди. Ленинградлик бу икки самимий дўст фақат шахмат тахтаси ёнидагина ашаддий рақобатга ўтадилар. Бундан совет шахмат мактаби, бутун шахмат аҳли манфаатдор. Ҳозирча улар Францияда бир команданинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ягона мақсадни кўзлаб ёнма-ён ўтириб дона суришяпти.

Суратга раам солинг. А. Карпов билан суҳбат қилаётган киши югославиялик шахмат журналисти Дмитрис Белица бўлади. У бирорта ҳам йирик мусобақани қолдирмайди. Бир вақтлар «Фишернинг шахсий журналисти» деб ном олган Белица ҳисобот ва репортажлардан ташқари кўпгина китобларнинг автори ҳамдир. Бундан уч-тўрт йил муқаддам, менинг ҳақимда йўқ гапларни ёзибди, деб Фишер уни судга ҳам берган эди.

Белица Совет Иттифоқида чиқадиган шахмат нашрларида фаол қатнашиб туради. Хушмуомала, қалами ўткиргина бу мухбирнинг Фишер билан кейинги муносабатлари қандай эканини ҳозирча кўпчилик билмайди.

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 02571. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 148.